

Д.А. Шодибекова, Д.И. Шодибеков,  
Ж.К. Нуриддинов, ТДИУ

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳозирги кунда жаҳон тараққиётининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган белгиси - ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсишида намоён бўлади. Ташқи савдо халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва бошқа шакллари (кадрларни тайёрлаш, туризм ва ҳ.к.) билан бир қатордаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг юртбошимиз И.А.Каримов чет эл давлатлари билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйишни бош мақсад қилиб қўйдилар. Дипломатик алоқалар натижасида экспорт импорт операциялари юзага келади. 1994 йил 15 октябрдан бошлаб Ўзбекистонда барча тўлов ва хизматлар миллий валюта сўмда амалга оширила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 28 апрелдаги “Валюта ва экспорт импорт операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисобот тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 171-сонли қарорига мувофиқ 2000 йил 1 майдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоботи ва бошқа ҳисоботлар, шунингдек, божхона тўловларини ҳисоблаб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг банклараро валюта бозорида белгиланадиган биржадан ташқари валюта бозори курси бўйича амалга ошириладиган бўлди.

Натижада турли валюта операцияларини ўтказишда фойдаланиладиган биржа ва биржадан ташқари валюта курслари бирхиллаштирилди. Бундан ташқари 1995 йилнинг 1 июлидан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона ва ташкилотларга кредит бериш миллий валютада яъни сўмда амалга оширила бошланди. Ҳозирги кунга келиб, тадбиркорларга ихтирочиларга ҳамда ёш оилаларга имтиёзли кредитлар берилмоқда, бу албатта мустақиллик шарофати билан. Ҳозирда республикада худудида сотилган товарлар, иш хизматлар тўлови учун АҚШ доллари, инглиз фунт стерлинги, Евро ва Япон иенаси қабул қилиниши мумкин. Бунга кўра, дипломатик алоқалар натижаси ҳозирги кунда республикада хорижий валюталар захираларининг 85 %дан ортиқ қисми АҚШ доллари захираларига тўғри келмоқда.


Ўзбекистон 2008 йилда ташқи савдо баланси қолдиғи ижобий бўлган, яъни 4068,8 млн. АҚШ долларига етди. 2009 йилда 2008 йилга нисбатан пасайган бўлса-да, ташқи савдо балансининг актив қолдиғи таъминланди. 2010-2011 йилларда ташқи савдо баланси қолдиғи ижобий бўлиб келмоқда.

“Бугунги кунга қадар давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 %, ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизнинг олтин - валюта захираси ҳам шунга мувофиқ равишда кўпайди <sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. - Президент Ислоҳ Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз экспорти ҳажми сезиларли даражада ортиб бормоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда экспорт таркибини диверсификация қилиш орқали унинг ҳажмининг барқарор ўсишини таъминланиши кафолатланган. Биринчи навбатда, бу ҳукумат ва жойлардаги давлат бошқарув тузилмаларининг ўз куч ва имкониятларини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги асосий йўналишларга ҳамда иқтисодийнинг стратегик тармоқларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва янгилашга йўналтирганликлари билан боғлиқдир. Иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари сифатида, биринчидан, фаол инвестициявий ва ташқи иқтисодий сиёсатнинг юритилиши, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш орқали иқтисодий таркибий қайта қуриш, иккинчидан эса, мамлакатнинг ишбилармон қатламлари учун қулай шарт-шароитларини яратиб берилганлиги эътироф этилмоқда. Натижада 2010 йил иқтисодийда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,5 %ни ташкил этди.

Ташқи савдода ҳам кўзланган мақсадларга эришилди. 2010 йили ташқи савдо айланмаси сальдоси 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди.млрд. \$ ни ташкил этди. Агар мамлакат экспорт, импорт ва ташқи савдо сальдоси ҳажмининг ўсишини кўриб чиқадиган бўлсак, бу ерда ўсиш кузатилган (1-расм).




**1-расм. 2005-2010 йиллар мобайнида экспорт, импорт ва ташқи савдо сальдоси ҳажмининг динамикаси (млн. долл)**

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси материаллари

Сўнгги йилларда ташқи савдо географиясида ҳам ўзгаришлар кузатилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон экспорт қилаётган маҳсулотларга дунёнинг турли қитъаларидаги давлатлар қизиқиш билдирмоқда. Унга кўра, 2009 йили МДХ давлатларига 8 006,2 млн.\$, хорижий мамлакатларга эса 13 203,4 млн.\$


микдордаги маҳсулотлар экспорт қилинган. Буни фоиз кўрсаткичларида ифодалайдиган бўлсак, МДХ давлатларига умумий экспортнинг 33,3 %, хорижий давлатлар ҳиссасига эса 66,7 % тўғри келади (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистон экспорти географияси динамикаси, (% ҳисобида)**

Манба: ЎЗР Статистик таҳлилномаси, 2004-2009 – йиллар.

Иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича кўрилга чора-тадбирлар натижасида мамлакат экспорти таркибида ҳам кескин ўзгариш юз берди. Агар 2000 йиллар бошида экспортнинг катта қисмини пахта толаси ташкил этган бўлса (2004 йилда – 18,1 %, 2005 йилда – 19,1 %), 2010 йил бошида бу кўрсаткич 8,6 %гача тушди. Экспортнинг катта қисмини энергия ташувчилар, нефть ва нефть маҳсулотлари ташкил этди.



**3-расм. Ўзбекистон экспортининг асосий тармоқлар бўйича ўзгариш динамикаси**

Манба: ЎЗР Статистик таҳлилномаси, 2004-2009 – йиллар.

Юқоридаги чизмада (3-расм) мамлакат экспорти таркибининг ўзгариши динамикаси тасвирланган. Ундан кўриш мумкинки, энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотларидан ташқари деярли барча маҳсулотлар экспорти пасайиш тенденциясига эга. Бу бир томондан, иқтисодий диверсификация қилиш сиёсати билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида жаҳон бозоридаги аҳвол унчалик ҳам яхши эмаслиги билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси экспорти динамикаси таҳлили шуни кўрсатдики, бу тармоқнинг республикамизда истикболи юқори. Чунки мамлакатимиз ҳам табиий ресурсларга бой, ҳам бу ерда Марказий Осиё минтқасида ўзига хос инфратузилма мавжуддир. Айнан шу омиллар келажақда мамлакатимиз экспорти салоҳиятини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш мақсадга мувофиқ:

- мамлакат иқтисодийнинг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби устувор йўналишлар кўрсаткичларида алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш; тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек, экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хомашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;

- юқори технологиялар ва замонавий техника билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

- конъюнктура ўзгаришларига тез мослашувчан, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилиши лозим.